

THE CONCEPT, HISTORY, AND STAGE OF DEVELOPMENT OF EVASION OF TAXES OR OTHER MANDATORY PAYMENTS

Ibragimova Zulfiya Mudarifovna,
Teacher of Tashkent City Law College

**Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик тушунчаси,
тарихи ва ривожланиш босқичи.**

Ибрагимова Зулфия Мударифовна,
Тошкент шаҳар юридик техникуми ўқитувчиси

ANNOTATION

This scientific article analyzes the concept, history and stage of development of evasion of taxes or other mandatory payments, and highlights the important elements of taxation. Proposals and recommendations have been developed for our national legislation.

Keywords: tax, compulsory payment, criminal liability, object of taxation, tax base, tax period, tax rate, financial sanctions, fines, confiscation of property.

АННОТАЦИЯ

Илмий мақолада солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик тушунчаси, тарихи ва ривожланиш босқичи таҳлил қилинган, солиқ солишнинг муҳим элементлари ёритилган. Миллий қонунчилигимиз учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Қалит сўзлар: солиқ, мажбурий тўлов, жиноий жавобгарлик, солиқ солиш объекти, солиқ базаси, солиқ даври, солиқ ставкаси, молиявий санкциялар, жарима, мол-мулк мусодараси.

ANNOTATSIYA

Ilmiy maqolada soliq yoki boshqa majburiy to'lovlarni to'lashdan bo'yin tovlaganlik tushunchasi, tarixi va rivojlanish bosqichi tahlil qilingan, soliq solishning muhim elementlari yoritilgan. Milliy qonunchiligimiz uchun taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Qalit so'zlar: soliq, majburiy to'lov, jinoyi javobgarlik, soliq solish ob'ekti, soliq bazasi, soliq davri, soliq stavkasi, moliyaviy sanksiyalar, jarima, mol-mulk musodarasi.

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун жавобгарликни белгиловчи жиноят қонунчилигининг ривожланиши, 1985-йилда Собиқ Иттифокда бошланган иқтисодий ислохотлар туртки ҳисобланади. Бозор муносабатларининг ривожланиши, нодавлат корхоналари ва ташкилотларининг тузилиши солиқ солиш тизимини тубдан ислоҳ қилишни ва СССРда ҳукм сурган “солиққа оид нигилизм”га барҳам беришни талаб қилган.

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун жавобгарликни оғирлаштириш ЎзССР ЖКга “Даромадлар ҳақида декларация беришдан бўйин

товлаганлик” деб номланган 179¹-моддани киритишдан бошланади. Кустар-хунармандчилик касби, якка тартибдаги бошқа меҳнат фаолияти билан шуғулланишдан топилган даромадлар ёки даромад солиғи солинадиган бошқа хил даромадлар тўғрисида ва декларация бериш қонунларда кўзда тутилган ҳолларда декларация беришдан бўйин товланган ёхуд декларацияни ўз вақтида бермаганлик ёки унга атайин сохта маълумотларни қўшиб ёзганлик учун, башарти бундай қилмиш учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш иши бериш ёки икки юз сўмдан бир минг сўмгача жарима солиш назарда тутилган. Шунингдек, бу жинойтнинг субъекти якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан, кустар-хунармандчилик билан шуғулланувчи ёки бошқа усул билан қўшимча даромад олувчи 16 ёшга тўлган шахслар бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қабул қилиниши солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун жавобгарлик белгиловчи жиноят қонуни нормаларининг ривожланиш жараёнида янги босқичга кўтарилди. Жиноят қонунчилиги тегишли нормаларининг таърифларини жиддий қайта кўриб чиқилди. Шу тариқа Кодексга Солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун жавобгарликни белгиловчи алоҳида норма (184-модда) киритилди. Ушбу модданинг биринчи қисмига биноан фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, башарти тўланмаган сумма анча миқдорни ташкил қилса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланган. 184-модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, ўша қилмишлар: а) такроран; б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланган.

Амалга оширилган ислохотлар натижаси, Жиноят кодекси 184-моддасига ҳам бевосита ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Юқорида айтиб ўтилган қонуннинг қабул қилиниши солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланганлик учун жавобгарлик белгиланган нормани тузилишини янгилаб берган. Яъни қонуннинг қабул қилиниши натижасида Жиноят кодекси 184-моддаси биринчи қисмига маъмурий преюдицияни белгиловчи норма киритилиб, эски таҳрирдаги иккинчи ва учинчи қисмдаги “ўша ҳаракатлар” сўзлари “солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш” деб ўзгартирилди. Бу шуни англатадики, иккинчи ва учинчи қисмда назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатларнинг бирортаси мавжуд бўлса, у ҳолда мазкур қилмишни содир этган шахс тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликка тортилиши лозим бўлиб қолган. Агарда ушбу қисмлардаги аввалги “ўша ҳаракатлар” сўзлари сақланиб қолинганда, шахс иккинчи ва учинчи қисмдаги қилмишлар учун албатта маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим бўлиб қолган.

Шу билан бирга, кўриниб турганидек 184-модда қўшимча тўртинчи қисм, рағбатлантирувчи норма билан тўлдирилди. Бунинг натижасида қасддан яширилган,

камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва бошқа тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслик каби инсонпарварлик принципига хос қоида мустаҳкамланди.

Юқорида таҳлил қилинган ўзгартиш ва қўшимчалардан ташқари солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун жавобгарлик белгиловчи нормаларга янги ўзгартиришлар киритилди.

Мазкур ўзгартириш 2008 йил 31 декабрда киритилган бўлиб, бунга сабаб Солиқ кодексининг янги таҳрири (2007 йил 25 декабрда қабул қилиниб, 2008 йил 1 январдан амалга киритилган) қабул қилиниши асос бўлди.

Шу тариқа Солиқ кодекси ҳам бутунлай янгича кўринишга эга бўлди. Бу эса ўз навбатида жиноят қонуни нормаларини ўзгаришига олиб келиб, Жиноят кодекси 184-моддаси номини “Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш” деб ўзгартирилишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунига кўра, Жиноят кодекси 184-моддаги бешинчи қисм рағбатлантирувчи норма билан тўлдирилди. Мазкур рағбатлантирувчи нормага асосан биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилинади” деб киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2017-йил 29-мартдаги “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 421-сонли Қонунига асосан 184-модда биринчи қисмининг санкциясидаги ёхуд олти ойгача қамоқ жазо чораси чиқарилди.

Шу билан биргаликда қайд этиб ўтишимиз лозимки, ҳуқуқбузарлик бланкет диспозиция ҳисобланганлиги сабаб, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашни квалификация қилиш учун зарур бўлган тушунчалар солиқ қонунчилигида берилган. Қайд этиб ўтиш жоизки Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини асосий тушунчалари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида келтириб ўтилади. Амалдаги Солиқ кодексига асосан, солиқ тушунчасига: “Солиқлар деганда ушбу Кодексда белгиланган, мунтазам, муайян белгиланган миқдорларда ундириладиган, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади”, деб таъриф берилган.

Шунингдек солиқ солишнинг муҳим элементларига солиқ солиш объекти, солиқ базаси, солиқ даври, солиқ ставкаси, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари киради. Қонун ҳужжатларида мазкур тушунчалар шундай таърифланиши

лозимки, солиқ тўловчи у қайси солиқларни, қачон ва қандай тартибда тўлаши лозимлигини аниқ билиши керак.

Мазкур ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида маълумки солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўланиши тартибларини ишлаб чиқиши, солиқ тўлаш интизомини ошириш, солиқ тўлов тартиблари такомиллаштириш лозим. Шу билан бирга ислохотлар маълумки солиқлар ундириш тизими мураккаблашуви билан бирга кечади. Беъвосита бу Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун жавобгарликни тартибга солиш юридик техникасига эътиборни кучайтиришга олиб келади. Дарҳақиқат, солиқ муносабатларининг ривожланиши ва мураккаблашуви солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланишнинг янги усуллари пайдо бўлишига туртки бўлади. Шу туфайли ҳам солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланишнинг ҳар хил турларини оғирлик даражасига қараб ажратиш заруриятлари пайдо бўлади. Солиқ интизомини мустаҳкамлаш, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширилиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини талаб қилади.

Маълумки давлат бюджетининг асосий қисми Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар орқали шакллантирилади. Шунингдек солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни толамаслик оқибатида давлатга жуда катта миқдорда зарар келиб чиқади. Бюджет даромадининг негизини ташкил этувчи маблағлар бюджетга тушмайди ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан ташкил этиладиган давлат бюджетдан ташқари фондлар лозим даражада шакллантирилмайди. Мазкур ҳуқуқбузарликлар бир сўз билан айтганда, солиқ ва мажбурий тўловларни тўласхдан бўйин товласх давлатнинг иқтисодий барқарорлиги ҳамда молиявий манфаатларига путур йетказувсх ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7-февралида **Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида**, Барча бизнес тоифалари учун солиқ юкини камайитириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарурлигини таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, тез ривожланаётган, йириклашиб бораётган корхоналарни рағбатлантириш сиёсатига ўтиш лозимлиги. Солиқ имтиёзлари беришда индивидуал ёндашувлардан воз кечиб, уларни фақат иқтисодиётнинг маълум тармоқлари учун қўллаш амалиётига ўтишни таклиф қилинди.

Ислохотларни изчил тامينлаш, солиқ тизимини либераллаштириш ва буни хориж мамлакатларининг солиқ қонунчилиги ва маъмуриятчилиги соҳасидаги синалган ютуқларни кенг жорий этилишини тامينлаш мақсадида ва солиқ қонунчилигини такомиллаштириш бўйича қўйилган талабларни амалга ошириш борасида кўриляётган чора-тадбирларга қарамасдан 2018-йил 13-февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5214-сон фармойиши эълон қилинди. Мазкур фармойишга асосан солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ ундириш, солиқ назоратининг замонавий шакл ва усуллари жорий этиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлиги белгиланади. Солиқ кодексини янги лойиҳасини тайёрлаш таклиф этилади.

Республика стратегик манфаатлари ҳамда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичини ҳисобга олган ҳолда, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, солтқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ҳамда солиқ тўловчилар ҳуқуқларининг ҳимоясини изчил таминланиши, солиқ йиғилувчанлиги даражасини оширилишига доир чора тадбирлаб белгилаб берилади.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги нормалар билан бир қаторда солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун жавобгарлик белгилаш масалаларини тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги 8-сонли “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги, 1998 йил 17 апрелдаги 11-сонли “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги, 2013 йил 11 декабрдаги 20-сонли “Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қонун нормаларининг тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Шу билан бирга, 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш иккинчи устувор йўналиш сифатида, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш учинчи устувор йўналиш сифатида кўрсатиб ўтилди.

Шу нуқтаи назардан бугунги кунда амалга оширилаётган солиқ маъмуриятчилигидаги ислохотлар, солиқ соҳасидаги амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг белгиланиши, солиқ тўловчиларга ёрдам бериш, Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик жинояти учун жавобгарликнинг қўлланилишини ҳар томонлама, амалга оширилаётган жиноят қонунчилигидаги ислохотларга ҳамоханг тарзда таҳлил қилишни, бу борадаги муаммоларни ўрганишни ҳамда уларга нисбатан ечим беришни назарда тутувчи тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев.Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
2. Мирзиёев.Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, Адолат. 2018 й.
6. Уголовный кодекс Узбекской ССР: с изм. и доп. на 1 окт. 1988 г.: Принят ИИ сессией Верх. Совета ССР пятого созыва, 21 мая 1959 года / Сост. Г.Абдумаджидов. – Т.: Узбекистан, 1988. – 207 с.
7. Уголовный кодекс Узбекской ССР. – Самарканд: НКЮ УзССР, 1926. – С. 21-25.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 52-сон, 597-модда.
9. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – 644 б.

ИНТЕРНЕТ САҲИФАЛАРИ

1. www.lex.uz.
2. www.parlament.gov.uz.ru
3. www.huquqburch.uz
4. www.uza.uz